

Инсон Салоҳияти Билан Боғлиқ Иқтисодий Категориялар Ва Уларнинг Назарий Масалалари (1-Мақола)

Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Тел. ва телеграм: +998 (97) 7930048

Дилмонов Қудратжон Бахтиёрович

Бухора давлат университети катта ўқитувчиси, мустақил изланувчи

Тел. ва телеграм: +998 (93) 6256804

Аннотация: мақолада инсон салоҳияти билан боғлиқ иқтисодий категориялар ва уларнинг назарий масалалари қараб чиқилган. Шунингдек, инсон салоҳияти билан боғлиқ бўлган иқтисодий категорияларнинг хусусан, инсон салоҳияти, инсон капитали, меҳнат салоҳияти, кадрлар салоҳияти, шахс салоҳияти каби тушунчаларнинг мазмунига алоҳида аҳамият берилган. Мақолада ушбу категорияларни аниқлаш усуллари ҳам тўхталиб, уларнинг формулалари ишлаб чиқилган ҳолда уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари ҳам очиқ берилган.

Калит сўзлар: инсон салоҳияти, инсон капитали, меҳнат салоҳияти, кадрлар салоҳияти, шахс салоҳияти, таълим сифати, шахснинг тажрибаси.

Экономические Категории Связанных С Человеческим Потенциалом И Их Теоретические Вопросы


Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич

Дилмонов Қудрат Бахтиёрович

Аннотация: в статье рассматриваются экономические категории, связанные с человеческим потенциалом, и их теоретические вопросы. Также особое значение придается содержанию экономических категорий, связанных с человеческим потенциалом, таких как человеческий потенциал, человеческий капитал, трудовой потенциал, кадровый потенциал, индивидуальный потенциал. Также в статье затрагиваются способы определения этих категорий, разрабатываются их формулы, выявляются различия.

Ключевые слова: человеческий потенциал, человеческий капитал, трудовой потенциал, кадровый потенциал, личностный потенциал, качество образования, личный опыт.

Economic Categories Related To Human Potential And Their Theoretical Questions



**Pardaev Mamaynus Karshibaevich
Dilmonov Kudrat Bakhtiyorovich**

Abstract: the article discusses economic categories related to human potential and their theoretical issues. Also, special importance is attached to the content of economic categories related to human potential, such as human potential, human capital, labor potential, personnel potential, individual potential. The article also touches on ways to define these categories, develops their formulas, and identifies differences.

Key words: human potential, human capital, labor potential, personnel potential, personal potential, quality of education, personal experience

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Дунё инсонлар билан тўла. Ҳозирги кунда уларнинг сони 7 млрд. нафарга етди. Аммо уларнинг яратувчанлик хусусиятлари бир-биридан фарқ қилади. Чунки уларнинг ҳар бирида ўзига хос алоҳида хусусиятлар бор. Бу ҳар бир инсоннинг салоҳиятида намоён бўлади. Инсон салоҳияти зўр бўлса, бир киши икки кишининг ва ундан кўпларининг ҳам ишини қилиш мумкин. Салоҳиятсиз инсонлардан катта самара ёки натижа ҳам кутиб бўлмайди. Шу туфайли инсон салоҳиятига алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқ.


Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида тарихан қисқа вақтда Янги Ўзбекистонни шакллантириш борасида мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар билан бир қаторда, келгуси етти йил ичида амалга оширилиши лозим бўлган устувор мақсад ва йўналишлар, стратегик вазифаларни ҳам аниқ белгилаб берилди. “Ушбу стратегиянинг энг устувор йўналиши — ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратишдан иборат”¹, деб таъкидланган. Ушбу вазифани бажаришнинг муҳим омилларидан бири “Сифатли билим, таълим ва тарбия — Янги Ўзбекистоннинг мустақкам пойдевори”² сифатида қайд этилди. Чунки, инсон салоҳиятини мустақкамлашда сифатли билим, сифатли таълим ва тарбия муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда инсон салоҳияти билан боғлиқ иқтисодий категориялар ва уларнинг назарий масалаларини тадқиқ қилиб, унинг мазмуни бўйича бир тўхтамга келиш нафақат назарий, балки иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизда муҳим амлий аҳамиятга ҳам эга. Шу нуқтаи назардан ушбу иш ўта долзарб масалалар ечимига бағишланганлигидан далолат беради.

Таҳлил ва натижалар. Инсоннинг салоҳияти таркибига ўзининг ва жамиятнинг эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган ундаги мавжуд ақлий ва жисмоний кучи киради. Буларга биринчи галда, инсоннинг саломатлиги, билим даражаси, тажрибаси, қобилияти кабиларни киритиш мумкин. Ҳамма инсонлар саломат бўлиши мумкин. Аммо уларнинг билим даражаси турлича, иш тажрибаси айримларда катта ва айримларда жуда паст бўлади. Илмли кишилар илмсиз кишиларга нисбатан салоҳиятли ҳисобланади. Агар инсоннинг бажарадиган иши жисмоний кучни талаб қиладиган бўлса, унинг салоҳиятлилигини белгиловчи биринчи мезон унинг жисмоний бақувватлиги билан ўлчанади. Юк кўтариш ва ташишда жисмоний бақувват одам салоҳиятли ҳисобланади. Кўриниб турибдики, инсон салоҳияти ҳам турли йўналишларда баҳоланадиган экан.

Инсон салоҳиятини сифат нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, энг салоҳиятли инсонни “юқори сифатли инсон” дейиш ҳам мумкин. Бундай инсонлар барча соҳаларда фаол, яъни билимдон, тажрибали, фаросатли, иймон-этиқодли, иродали, ҳалол-покиза бўладилар. Ушбу хислатларнинг даражаси уларнинг инсонлар билан мулоқотида ҳам

¹ <https://uzlidep.uz/news-of-party/14453>. 08.06.2023, 16:19

² <https://uzlidep.uz/news-of-party/14453>. 08.06.2023, 16:19.



сезилиб туради. Шуларга қараб инсонларнинг салоҳиятлилик даражасига баҳо берилади.

Албатта инсон салоҳиятини мукамал даражада ўлчаш қийин. Шу туфайли инсон салоҳиятининг таърифи дейсизми, кўрсаткичлари дейсизми, сифати дейсизми, унинг бирорта соҳасида на хорижий, на мамлакатимиз олимлари ўртасида бир тўхтамга келинган ҳолатни учратиш қийин. Айрим олимларнинг асарларида “инсон салоҳияти” ибораси ишлатилса, айримларида “инсон капитали” тушунчаси кенг тарқалиб кетди. Баъзи олимлар асарларида “меҳнат салоҳияти”, айримларида “кадрлар салоҳияти”, “шахс салоҳияти” ҳам деб юритилади. Ушбу тушунчаларнинг мазмунига эътибор қилинса, улар бир-биридан унчалик фарқ қилмайди. Ҳаммасида инсоннинг фаоллигига эътибор қаратилган. Аммо туб моҳиятига турли нуктаи назардан қаралса, албатта улар бир-биридан нафақат мазмуни, фойдаланиш даражаси, ҳатто таркибий тузилиши бўйича ҳам фарқ қилади.


Ушбу тушунчаларнинг фарқи аниқлик киритиш учун ҳар бирига ўзимизнинг изоҳимизни беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Буларнинг изоҳи қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Инсон салоҳияти билан боғлиқ иқтисодий категория ва тушунчаларнинг мазмуни

Т/р	Тушунчалар-нинг номи	Тушунчаларнинг изоҳи
1	Инсон салоҳияти	Инсоннинг барча моддий ва маънавий, ички ва ташқи кучларини мужассам этган кенг қамровли фаолиятни олиб бориши мумкин бўлган қобилияти тушунилади.
2	Инсон капитали	Инсонда мужассам бўлган жамият ва одамларнинг эҳтиёжини юқори савияда, самарали қондиришга хизмат қила оладиган илмлар мажмуи, саломати, қобилияти, етарли тажрибасининг жамланган шакли тушунилади. Инсон капитали битта шахсга нисбатан, битта корхонага нисбатан ва битта мамлакатга нисбатан ишлатилади.
3	Меҳнат салоҳияти	Шахснинг меҳнат салоҳияти, унинг белгиланган меҳнатни қилиш қобилияти тушунилади. Жамиятнинг меҳнат салоҳияти деганда, меҳнатга қобилиятли аҳоли, ишлаётган пенсионерлар ва вояга етмасда фаолият кўрсатаётганлар тушунилади.
4	Кадрлар салоҳияти	Хўжалик юритувчи субъектларда унинг фаолиятини юргизишга қодир бўлган мутахассис кадрларнинг мавжудлиги тушунилади.
5	Шахс салоҳияти	Битта инсонга тегишли бўлиб, унинг билим даражаси, қобилияти, яъни нимага қодирлиги, соҳаси бўйича тажрибаси жиҳатидан бошқалардан фарқли хусусиятлари тушунилади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, инсон салоҳияти билан боғлиқ иқтисодий категория ва тушунчаларнинг бир қанча номланишлари мавжуд экан. Бироқ уларнинг ҳар бирининг ўз мазмуни ва моҳияти бор. Жумладан, инсон салоҳияти кенг маънони билдирадиган бўлса, унинг бир қисми инсон капиталида мужассам. Бунга нисбатан торроқ тушунча меҳнат салоҳияти бўлиб, бу фақат меҳнат қила оладиган кишиларга



қаратилган. Ниҳоят кадрлар салоҳияти ҳам маълум вазифаларни бажаришга қаратилган ходимлардан иборат бўлса, шахс салоҳияти фақат битта инсоннинг қобилияти билан ўлчанади.

Иқтисодиёт аниқликни талаб қилади. Шу туфайли уларнинг ҳар бирини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг аниқланиш йўлларига эътиборни қаратамиз. Булар қуйидагилардан иборат:

Инсон салоҳияти (Ис) қуйидагича аниқланади:

$$Ис = Ш_{бт} + Ш_{т} + Ш_{иэ} + Ш_{с};$$

Бунда: $Ш_{бт}$ – шахснинг ўз йўналиши бўйича билим даражаси;

$Ш_{т}$ – шахснинг ўзи фаолият кўрсатадиган соҳаси бўйича амалий тажрибаси;

$Ш_{иэ}$ – шахснинг иймон-этиқоди, маънавияти, яъни тарбияланганлик даражаси;


$Ш_{с}$ – шахснинг саломатлик даражаси.

Тадқиқотлар кўрсатдики, жуда кўп мамлакатларда, хусусан МДХ, айниқса Марказий Осиё мамлакатларида инсон салоҳияти билан инсон капитали тушунчалари бир-бири билан чалкашиб кетган. Инсон капиталини инсон салоҳиятининг ўзгача намоён бўлиши, деб талқин қилинади. Инсон салоҳиятини ходимнинг даромад келтириши нуктаи назаридан қараса, инсон капиталига унга сарфланган инвестиция нуктаи назаридан қараш лозим деган ғоя илгари сурилган.

Инсон салоҳияти асосан шахс нуктаи назаридан қаралади. Чунки бир хил маълумотга, бир хил иш тажрибасига эга бўлган кишилар бир-биридан иймон-этиқоди ва ишни бажара олиш қобилияти нуктаи назаридан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Инсон салоҳияти феноменини тушуниш учун унинг қийматини қандайдир расмий равишда ҳисоблаш эмас, балки ижтимоий ҳаёт сифатини ва меҳнатининг самарадорлиги орқали баҳолаш мумкин. Инсон ҳаётида ижтимоий тан олинган фаолияти давомида инсон салоҳиятининг шаклланганлиги, кўп ҳолларда жамоатчилик фикри билан баҳоланади. Одамлар бирор кишига умумий баҳо беришда, бу жуда зўр салоҳиятли инсон, бу яхши одам, бу киши муттаҳам, бу бўлмайдиган одам каби сўзлар билан ўзларининг баҳоларини берадилар. Инсон билимли, яхши мутахассис бўлиб, маънавий қашшоқ бўлса, турли ёмонликлардан қайтмайдиган бўлса, одамлар бундай шахсларни ҳеч маҳал яхши одам, деб баҳоламайди. Демак, инсон салоҳиятини баҳолашда унинг маънавий етуқлигига ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Кўриниб турибдики, инсон салоҳияти фақат унинг билим даражаси билан ўлчанмайди. Олий маълумотли бўлиб, фан доктори илмай даражасига эга бўлсада, маънавий қашшоқ бўлса, бундай шахслар жамият тараққиётига ижобий эмас, балки салбий жихатдан кўпроқ таъсир қилади. Маънавий қашшоқ инсон биринчи галда ўз нафсининг қули бўлади, асосан ўзининг манфаатини ўйлайди, бундай кишилар имкониятдан фойдаланиб, коррупциянинг барча турларидан фойдаланишлари одатий ҳол бўлиб қолади, имкон топса халқ мулкани турли йўллар билан ўзлаштиришдан ҳам бош тортмайди. Бундай кишиларни салоҳиятли инсон деб аташга ҳеч кимнинг ҳақи қолмайди.

Хулоса қилиб айтганда, инсон салоҳияти билан боғлиқ иқтисодий категориялар қаторига инсон капитали, меҳнат салоҳияти, кадрлар салоҳияти, шахс салоҳияти, таълим сифати, шахснинг тажрибаси каби тушунчалар ҳам киришини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Ушбу ёндошув инсон салоҳиятининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш учун шу юқорида келтирилган категорияларнинг ҳам мазмунини қараб чиқишни тақозо қилади.



Адабиётлар рўйхати

1. Саидахроф Ғуломов, Мамаюнус Пардаев. Инсон ақлий салоҳияти билан қадрланиши керак. August 03, 2022 // <https://telegra.ph/Inson-a%D2%9Blij-salo%D2%B3iyati-bilan-%D2%9Badirlanishi-kerak-08-03>
2. Мавлуда Хўжаева, Шаҳноза Холмаҳматова. Устувор мақсадимиз – инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратиш! 08.06.2023, 16:19 // <https://uzlidep.uz/news-of-party/14453>.
3. Дилманов Қудратжон Бахтиёрович. Инсон салоҳиятининг ўзига хос хусусиятлари. 15 июль 2023. https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/issue/view/70.
4. Dilmonov Qudrat Baxtiyorovich. Buxoro viloyatida aholining ish bilan bandliginita“minlashning hozirgi holati va tahlili. // “Erkin bozor mexanizmlarini joriy etish hamda sog’lom raqobat muhitini yaratish orqali hududlarda tadbirkorlikni rivojlantirish istiqbollari” mavzusida respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy anjuman. ilmiy maqolalar va tezislar to’plami. 4 mart 2023 yil. https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/10411/6761.
5. Меҳнат салоҳиятини сифат жиҳатдан такомиллаштиришда таълим тизимининг ўрни. <https://cyberleninka.ru/article/n/me-nat-salo-iyatini-sifat-zhi-atdan-takomillashtirishda-talim-tizimini-rni>
6. Хуршид Холмирозов. Инсон салоҳияти: тузилиши ва ижтимоий моҳияти. <https://scienceweb.uz/publication/2212>.
7. Фарида Юлдашева. Ўзбекистонда маънавий янгилиниш жараёнида инсон маънавий салоҳиятининг роли.// https://www.oriens.uz/media/conferencearticles/79.%D0%A4%D0%B0%D1%80%D0%B8%D0%B4%D0%B0_%D0%AE%D0%BB%D0%B4%D0%B0%D1%88%D0%B5%D0%B2%D0%B0_677-688.pdf